

**Андижон вилояти ҳокими Ш.Абдурахмоновнинг
2014 йилнинг 2 сентябрь куни бўлиб ўтадиган “Билимлар
куни”даги маърузаси**

**Ассалому алайкум ҳурматли устозлар ва мураббийлар!
Қадрли ёшлар!**

Сизларни вилоят ҳокимлиги ва ўзим номимдан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллиги ва 2014-2015 ўқув йилининг бошланиши муносабати билан чин юракдан табриклайман. **“Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида гўзал Ўзбекистоним”** шиори остида нишонланаётган байрам барчамизга муборак бўлсин.

Бугунги мустақиллик дарслари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг **“Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигадаги роли ва аҳамияти”** мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқини ҳар томонлама ўрганиш билан бошланади. Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг сўзларини айнан келтирмоқчиман: - **“Биз жаҳон олимларини жуда яхши биламиз, лекин ўрта аср шарқ алломалари, ҳудудимиздан етишиб чиққан буюк зотлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмасмиз. Буюк аждодларимизнинг илмий меросини ўрганиш авваламбор ўзликни англаш деганидир”**.

Бугун тобора глобллашиб бораётган замонда миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, уларни ривожлантириш фоят долзарб вазифа эканлиги ҳам юртбошимизнинг юқоридаги маърузасида алоҳида таъкидлаб ўтилди. Ёшлар ўртасида баъзан кузатилиб қоладиган экстремизм, радикализм каби иллатларнинг олдини олиш, уларга қарши курашда ўзликни англашнинг, миллий ғурур ва ифтихорнинг ўрни беқиёсдир.

Сабаби ўз тарихини, буюк алломаларини яхши билган, аждодларининг бой илмий меросини пухта

ўзлаштирган ўқувчи-ёшлар интеллектуал ривожланган мутахассис бўлишига ишончим комил.

Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк алломаларимизга муносиб издош бўлиб етишишлари учун Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимиз ёшларига барча шарт-шароит яратиб берилган.

Дастлаб ўрта махсус таълим иншоатларини қуриш, мавжудларини мукамал таъмирлаш масаласига жиддий эътибор қаратилди. Энг чекка қишлоқларимизда ҳам биридан қолишмайдиган, замонавий коллежлар, академик лицейлар бунёд этилди. Уларда бугун минглаб ёшларимиз таҳсил олмоқдалар.

Сўнг умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилди. Бугун эса олий ўқув юртларининг ҳар бирига миллиардлаб сўм маблағлар сарфлаб жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган ҳолатга келтирилмоқда. Кейинги икки йил давомида Андижон давлат университетини реконструкция қилиш ишларига **50 млрд. сўм**, Андижон машинасозлик институтига **20 млрд. сўм**, мусиқа ва умумтаълим мактабларини қуриш ва реконструкция қилиш ишларига **7 млрд. 77 млн. сўм** маблағлар сарф этилиб, ўқув даргоҳларининг қиёфалари бутунлай ўзгартирилганлиги, янги ўқув биноларининг барпо этилганлиги юқоридаги фикримнинг ёрқин далилидир.

Бундан ташқари Пойтахтимизда эса дунёдаги бир қатор нуфузли олий ўқув юртларининг филиаллари очилганлиги юртимизда ҳар томонлама етук, ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлоднинг тарбиясига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганлиги ҳамда ўз навбатида **“Ким эдигу, ким бўлдиқ”** деган ҳақли саволга ҳаётий жавоб эканлигининг исботидир.

Юртбошимиз томонидан яратиб берилган мана шундай шароитлардан баҳра олиб, бор куч ғайратингизни ўқишга, билим олишга сарфлашингиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Президентимиз Ислом Каримов ушбу конференция ўзининг салкам уч минг йиллик тарихи мобайнида дунё цивилизацияси ва турли халқлар маданияти чоррахаси бўлиб келган ва келаётган Самарқанд заминида ўтказилаётгани анжуманга алоҳида маъно-мазмун бағишлаб, унинг аҳамиятини янада ошириши ҳақида фикр билдирди.

Кўхна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳри, бетакрор шарқона руҳи ва қиёфаси, бой тарихи, бу ерда сақланиб қолган ноёб, ҳар қандай одамни хайратга соладиган меъморчилиги билан сайёрамизнинг турли ўлкаларида афсонавий шаҳар сифатида маълуму машхурлиги, мовий гумбазлари миллионлаб сайёҳларни ўзига мафтун этадиган Самарқанднинг Рим билан бир қаторда “абдий шаҳар” деган ном билан бутун дунёда шуҳрат қозонгани бежиз эмаслигини таъкидладилар.

Ушбу нуфузли конференциянинг гўзал ва бетакрор Самарқанд шаҳрида 15-16 май кунлари ўтказилганлиги ушбу анжуманда АҚШ, Буюк Британия, Италия, Хитой, Жанубий Корея, Германия, Япония, Хиндистон, Миср, Индонезия, Саудия, Арабистони, Қувайт, Россия ва Озарбайжон каби 50дан ортиқ мамлакатлардан олимлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, илмий марказлар ва институтлар мутахассислари, экспертлар иштирок этганлиги ушбу тадбирнинг кўлами ва аҳамияти нечоғли оламшумул эканлигини билдирди.

Бутун дунёда буюк аждодларимизнинг сўнмас даҳосига хурмат-эҳтиром, уларнинг бой илмий меросини ўрганишга қизиқиш ҳамиша юқори бўлган. Хорижий мамлакатларда уларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида илмий ва бадий асарлар яратилган, улуғ аждодларимиз хотирасига ёдгорлик барпо этилган. Мустақиллик йилларида бу қизиқиш янада ортди. Мамлакатимиз халқаро илмий-маданий ҳамкорлик кенг йўлга қўйилди. Ушбу мавзуга бағишланган йирик илмий анжуманлар ташкил этилди. Буюк олим ва мутафаккирларимиз ҳамда қадимий шаҳарларимизнинг юбилейлари халқаро миқёсда кенг нишонланди. Президентимизнинг раҳномолигида улуғ аждодларимиз, азиз авлиёларимиз қадамжолари обод этилди ва этилмоқда.

Мана, мустақиллик дарсларида асосий эътибор нималарга қаратилиши керак?

Ҳурматли ёшлар ва устозлар!

Юртбошимизнинг анжумандаги маърузаси сўнггида ёшларга қарата айтган сўзлари ҳақли равишда ҳар бир ёш авлоднинг юрагида ўчмас из қолдириши ҳамда ўз Ватани ва улар келажагига муносиб ворис бўлишга ундайди.

“... Мен ёшларимизга мурожаат қилар эканман, уларга доимо: “Биз буюк аجدодларимиз билан фахрланишимиз, ғурурланишимиз керак”, деб айтаман. Айни вақтда “Фақат ғурурланишнинг ўзи етарли эмас, келинлар, ўзимиз ҳам, худди улар каби, мана шу бебаҳо мерос ривожига ўз ҳиссамизни қўшайлик!”, деб таъкидлаганликлари барча ёшларга шиор бўлиб ҳаётингиз мазмунига айланишини тилаб қоламан.

Эътиборингиз учун раҳмат!